ҚҲММБ: 09/20/426/1035-сон
08.07.2020 й.

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 7 » июль № 426 Toshkent sh.

Осиё тараққиёт банки иштирокида “Ўзбекистон Республикасида шаҳарларни ривожлантириш лойиҳаларини тайёрлашни молиялаштириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Сув таъминоти ва канализация соҳасидаги инвестиция лойиҳаларининг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ўз вактида ва сифатли ишлаб чиқиш, шунингдек, Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

а) Осиё тараққиёт банки (кейинги ўринларда – ОТБ) билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида 2019 йил 13 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида шаҳарларни ривожлантириш лойиҳаларини тайёрлашни молиялаштириш” лойиҳасини (кейинги ўринларда – лойиҳа) амалга ошириш учун 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган 25 йилда қайтариш шарти билан 15,0 млн АҚШ доллари миқдорида қарз бериш тўғрисида қарз битими имзоланганлиги;

б) лойиҳанинг умумий қиймати 16,76 млн АҚШ долларини, шу жумладан:

ОТБ қарзи – 15,0 млн АҚШ долларини;

лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг улуши солиқ имтиёзлари (қўшилган қиймат солиғи, давлат мақсадли жамғармаларига йиғимлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларни юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган фойда солиғи тўлашдан озод этиш) ҳисобига – 1,76 млн АҚШ долларини;

в) лойиҳани амалга ошириш даври 4 йилни (2020-2023 йиллар) ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Лойиҳа доирасида қуйидаги инвестиция лойиҳалари тайёрланади:

Тошкент вилояти шаҳар ва туманларининг ичимлик сув ва канализация тизимини реконструкция ва қуриш лойиҳаси (Фаза 3) – лойиҳа ташаббускори Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;

Ичимлик сув ва оқова сув таъминотини ривожлантириш дастури – лойиҳа ташаббускори Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;

Шаҳарларни комплекс ривожлантириш дастури – лойиҳа ташаббускори Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги.

ҚҲММБ: 09/20/426/1035-сон
08.07.2020 й.

3. Қуйидагилар:

"Ўзбекистон Республикасида шаҳарларни ривожлантириш лойиҳаларини тайёрлашни молиялаштириш" лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

"Ўзбекистон Республикасида шаҳарларни ривожлантириш лойиҳаларини тайёрлашни молиялаштириш" лойиҳаси бўйича Осиё тараққиёт банки қарзини қайтариш ва фоизларни тўлашнинг прогноз жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги "Коммунхизмат" агентлиги (кейинги ўринларда – "Коммунхизмат" агентлиги) ва "Ўзсувтаъминот" акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – "Ўзсувтаъминот" АЖ) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларнинг, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази (кейинги ўринларда – Марказ) "Шаҳарларни комплекс ривожлантириш дастури" лойиҳасининг ўз вақтида амалга оширилиши, ОТБ қарзларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши учун масъул бўлган ижро этувчи органлар ҳисобланади;

б) ОТБ қарзларини қайтариш ва фоизларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар 2020 йилдан 2024 йилнинг 15 ноябрь санасигача ушбу қарорнинг 2-бандида назарда тутилган лойиҳалар бўйича олинган қарзлар ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда, тегишли лойиҳаолди ҳужжатлари харажатлари ва Ҳукумат қарорларида назарда тутилган маблағлар (қарзни қоплаш ва фоизлар тўлаш) "Ўзсувтаъминот" АЖ, лойиҳаларнинг бошқа иштирокчилари ҳамда тегишли вилоятларнинг маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қопланади;

в) 2024 йилгача бўлган даврда лойиҳалар бўйича Ҳукумат қарори қабул қилинмаган тақдирда, ОТБ қарзларини қайтариш ва фоизларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар тегишли инвестиция лойиҳаси бўйича 2024 йилдан лойиҳа ташаббускорлари учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ва ОТБ ўртасидаги қарз битими бўйича белгиланган тартибда юридик хулоса берсин.

6. Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, "Ўзсувтаъминот" АЖ, "Коммунхизмат" агентлиги ва Марказ:

лойиҳанинг тасдиқланган параметрларига мувофиқ лойиҳа ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлайдиган ташкилий-техник тадбирларни амалга оширсинлар;

лойиҳани бошқариш қўлланмасида белгиланган тартибда лойиҳани амалга ошириш муддатларига қатъий риоя этилишини таъминласинлар.

ҚҲММБ: 09/20/426/1035-сон
08.07.2020 й.

7. “Коммунхизмат” агентлигининг Осиё тараққиёт банки лойиҳаларини мувофиқлаштириш гуруҳига мазкур қарорнинг 2-бандида назарда тутилган Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташаббускор бўлган лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва бошқариш вазифаси юклансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков ва Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Х. Салиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3

ҚҲММБ: 09/20/426/1035-сон
08.07.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 7 июлдаги 426-сон қарорига
1-илова

“Ўзбекистон Республикасида шаҳарларни ривожлантириш лойиҳаларини тайёрлашни молиялаштириш” лойиҳасининг
АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Харажатлар номи	Ўлчов бирлиги	Жами*	Молиялаштириш манбаи, шу жумладан:	
				ОТБ қарзи	Ўзбекистон Республикаси улуши
Лойиҳанинг умумий қиймати		**минг АҚШ доллари экв.**	**16 760,00**	**15 000,00**	**1 760,00**
шу жумладан:					
1	Маслаҳат хизматлари	минг АҚШ доллари экв.	13 600,00	13 600,00	
2	Инвестиция даврида молиявий чиқимлар	минг АҚШ доллари экв.	710,00	710,00	
3	Тақсимланмаган маблағлар	минг АҚШ доллари экв.	690,00	690,00	
4	Солиқ ва божхона имтиёзлари	минг АҚШ доллари экв.	1 760,00		1 760,00

**) Лойиҳанинг якуний қиймат кўрсаткичлари батафсил лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан кейин ҳамда товарлар (ишлар ва хизматлар) етказиб бериш бўйича тендер савдолари натижаларига кўра белгиланади.*

ҚҲММБ: 09/20/426/1035-сон
08.07.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 7 июл даги 426 -сон қарорига
2-илова

"Ўзбекистон Республикасида шаҳарларни ривожлантириш лойиҳаларини тайёрлашни молиялаштириш" лойиҳаси бўйича Осиё тараққиёт банки қарзини қайтариш ва фоизларни тўлаш
ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ

Қарз миқдори	*15,0 млн АҚШ долл.*
Қарз муддати	*25 йил*
Имтиёзли давр	*5 йил*
Фоиз ставкаси	*2,0%*

Йиллар	Асосий қарзга киритиладиган фоизлар (минг доллар)	Тўланадиган фоизлар (минг доллар)	Асосий қарз қайтарилиши (минг доллар)	Жами қайтариладиган маблағ (минг доллар)
15.11.2020	15,3			
15.05.2021	40,3			
15.11.2021	62,5			
15.05.2022	89,8			
15.11.2022	100,3			
15.05.2023	119,5			
15.11.2023	131,3			
15.05.2024	151			
15.11.2024		152,5	375	527,5
15.05.2025		148,7	375	523,7
15.11.2025		144,1	375	519,1
15.05.2026		141,1	375	516,1
15.11.2026		136,5	375	511,5
15.05.2027		133,4	375	508,4
15.11.2027		128,9	375	503,9
15.05.2028		125,8	375	500,8
15.11.2028		122	375	497
15.05.2029		118,2	375	493,2
15.11.2029		113,8	375	488,8
15.05.2030		110,6	375	485,6
15.11.2030		106,2	375	481,2
15.05.2031		102,9	375	477,9
15.11.2031		98,6	375	473,6
15.05.2032		95,3	375	470,3
15.11.2032		91,5	375	466,5
15.05.2033		87,7	375	462,7
15.11.2033		83,4	375	458,4
15.05.2034		80,1	375	455,1
15.11.2034		75,8	375	450,8
15.05.2035		72,4	375	447,4
15.11.2035		68,3	375	443,3
15.05.2036		64,8	375	439,8
15.11.2036		61	375	436
15.05.2037		57,2	375	432,2
15.11.2037		53,1	375	428,1
15.05.2038		49,6	375	424,6
15.11.2038		45,5	375	420,5
15.05.2039		41,9	375	416,9
15.11.2039		37,9	375	412,9
15.05.2040		34,3	375	409,3
15.11.2040		30,5	375	405,5
15.05.2041		26,7	375	401,7
15.11.2041		22,8	375	397,8
15.05.2042		19,1	375	394,1
15.11.2042		15,2	375	390,2
15.05.2043		11,4	375	386,4
15.11.2043		7,6	375	382,6
15.05.2044		3,8	375	378,8
Жами:	**710,0**	**3120,2**	**15000,0**	**18120,2**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3